

МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕЪРОСИМИЗ ХАЛҚИМИЗ МАДАНИЯТИНИНГ АСОСИДИР.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20554404>

Сайитова Лола Исроиловна

(+99894.364.64.76.)

“Қосим Шайх” мажмуа музейи ходими

Аннотация

Ушбу мақолада моддий ва маънавий меъроснинг халқ маданияти ривожига аҳамияти, музейлар ва тарихий маъморий ёдгорликларнинг миллий қадриятларни сақлашдаги ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек Навоий вилояти Кармана туманида жойлашган “Қосим Шайх” меъморий мажмуаси ва музейининг тарихий, маданий ҳамда маънавий аҳамияти ёритилган. Мақолада музейлар ва меъморий обидаларнинг ёшлар маънавий тарбиясидаги роли илмий асосда баён этилган.

Калит сўзлар

Моддий мерос, маънавий мерос, музей, миллий қадрият, меъморий ёдгорлик, Қосим Шайх мажмуаси, миллий маданият, маънавият, тарихий обида, шаҳарсозлик, меъморчилик, ёшлар тарбияси.

*“Тарихий меросни асраш,
ўрганиш ва келажак авлодга етказиш
халқимизнинг муқаддас бурчидир”.*

М.Ш.Мирзиёев.

Биз биламизки, буюк ватанимиз тарихи, узоқ ўтмиши, бир қанча тарихий даврларни ўз ичига олади. Асрлар мобайнида юртимизда бўлиб ўтган ҳар бир воқеа – ходиса ота боболаримизнинг эл равнақи учун қилган саъйи – ҳаракатлари ва бу йўлда бўлиб ўтган жангу жадаллар бир умрга тарихимиз саҳифаларида муҳрланган. Тарихий тараққиёт давомида миллий маданияти маънавиятимиз ва урф одатларимиз ҳам шакллана борди. Бу эса ўз навбатида халқимизни қанчалик миллий қадриятларга бой эканлигининг исботидир. Қадрият сўзининг моҳияти ўзлигимизни англаш, урф одатларга ҳурмат билан мунособатда бўлиш ва шу билан биргаликда миллий меъросимизни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш ва келажак авлодга

етказишдан иборатдир. Ўтмишдан то ҳозиргача сақланиб келаётган моддий бойликларимиз: халқ чолғу асбоблари, миллий матолар, уй рўзгор буюмлари, шоиру уламоларимиз ёзган турли хил кўл ёзмалар битиклар ўтмишда маданиятнинг қанчалик юқори даражада бўлганлигидан далолат беради. Уларни асрлар давомида асл ҳолидай сақлаш эса анча мушкул вазифа. Ҳозирги кундан давлатимиз тамонидан ана шундай бебаҳо ва ноёб тарихий ёдгорликларимиз, кўлёмаларимизни сақлашга ва уларни келажак авлодга етказишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда юртимизда ана шундай ёдгорликларни сақлаш учун махсус музейлар фаолият юритмоқда. Музейларни замонавий Ўзбекистон маданияти тизимидаги ўрни жуда катта. Музейлар халқимизнинг миллий ва анъанавий ўзлигининг у ердаги экспонатлар орқали англашга, ўзлаштиришга ва улар устида турли тадқиқотлар ўтказишга ёрдам беради. Ўтмишда ота – боболаримиз фойдаланган асбоб ускуналар ва қолаверса ҳар бир соҳанинг ривожланиши ва таррақиёт босқичларини ўрганишга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида махсус соҳа мутахассислари – тарихчи олимлар, музейшунослар, археолог ва албатта меъморлар олдида бир қанча саволларга жавоб топишда муҳим вазифани бажаради. Миллийлигимизнинг асл моҳиятини ана шундай моддий ва маънавий мерослардан англаган ижодкор уни ҳозирги замон билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилиб, иложи борича янги кўринишлар орқали халққа етказишга интилади. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида қад кўтариб турган тарихий меъморий ёдгорликларимиз ҳам халқимиз энг қадимги бойликларидан биридир. Улар ҳам маълум бир маънода юртимизнинг қадимий экспонатларидан ҳисобланади. Марказий Осиёда меъморчилик ўзининг қадимийлиги ва бетакрорлиги билан дунёга машҳур. Бир неча асрлар муқаддам ота – боболаримиз томонидан қурилган маҳобатли, мухташам бинолар ҳанузгача ўз жиловсини, гўзаллигини сақлаб қолган. Ҳар бир меъморий ёдгорлик ягона ва ўзгача гўзалика эга бўлиб ишланган. Ундаги ҳар бир безак шу ёдгорликнинг характерини, унинг моҳиятини, ранг ва геометрик шакллар орқали акс эттира оладиган даражада моҳирона ишланган. Ҳозирги замон меъморчилигига эътиборимизни қаратсак ўтмишдан вақт яъни таракқиёт босқичи яққол кўз олдимизда шаклланади. Вақт нафақат замонни балки инсонларнинг фикрлаш доирасини, фантазиясини кенгайтириб, замонга янгича нигоҳ қарашга ундайди.

Аммо ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, “Ўтмишсиз келажак йўқ” шундай экан ҳозирги кундаги янги қурилаётган биноларнинг барчаси

қадимги меъморчилик билан чамбарчарс боғлиқдир.Замонавий шаҳарсозликда меъморий ёдгорликларнинг ўрни беқиёсдир.Шаҳар марказида қад кўтариб турган масжиду мадрасалар,минораи калонлар юртимиз фахридир.



Жумладан Навоий вилоятининг Кармана туманида жойлашган

“Қосим Шайх” мажмуаси муҳим тарихий ва меъморий обидалардан бири ҳисобланади. Бу мажмуа XVI асрда яшаб ижод қилган машҳур тасаввуф



Намоёндаси “Қосим Шайх Азизон номи билан боғлиқ бўлиб,мажмуа таркибига масжид,хонақоҳ,мақбара ва музей қисми кириб,уларда халқимизнинг қадимий маданияти,урф-одатлари ва меъморий анъаналари ўз аксини топган.

Айниқса музейда сақланаётган тарихий ашёлар,кўлёмалар ва миллий хунармандчилик намуналари ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутди.Бу ердаги ҳар бир экспонат халқимизнинг бой тарихи ва маънавий



хаёти ҳақида маълумот беради. Тарихий меъморий обидалар тарих ва маданиятни ўрганиш манбаи сифатида ҳам кадрланади. Бундай обидалар ёшларда аجدодлар меросига ҳурмат, миллий ғурур ва маънавий дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилади. Қосим Шайх мажмуаси меъморий жиҳатдан ҳам ўзига хосдир. у ўзининг миллий меъморчилик услуби, безаклари ва тарихий аҳамияти билан ажралиб туради. Унда миллий наққошлик, ганчкорлик ва безак санъатининг ноёб намуналари қўлланган бўлиб, бу ҳолат ўзбек миллий меъморчилигининг юксак даражада ривожланганлигини кўрсатади. Шу сабабли мазкур мажмуа нафақат зиёратгоҳ, балки муҳим илмий ва маданий тадқиқот объекти сифатида ҳам

катта аҳамият касб этади. "Қосим Шайх" мажмуаси юртимизнинг кўркига кўрк қўшиб, унинг қандай улкан ва чуқур тарихга эга эканлигидан далолат беради. Барча ёдгорликларимиз ўтмишда яшаб, ижод қилган қўли гул усталаримиз, меъморларимизнинг меҳнат маҳсулидир. Ана шундай маҳобатли улкан ёдгорликка бориб бокқанда киши тарихимизни қанчалик узок ўтмишга, узок даврларга тақалишини ва шунча узок муддат ичида бу бинолар бошидан бир қанча уруш ва талофатларни кўргани ва уларга бардош бериб, ҳозиргача ўз кўркини, чиройини сақлаб келгани кишини хайратга солади. Замонавий шаҳарсозликда турар жой бинолари ва бошқа иморатларнинг қад кўтариши юртимизда маданиятнинг ўсиши ва архитектураимизнинг янги давр босқичига кўтарилаётганидан далолат берса, замонавий шаҳарлар марказида қад кўтариб турган миллий меъморий ёдгорликларимиз ўтмишимизда маданиятимизни, миллий меъморчилигимизни қанчалар бой бўлгани ва қолаверса тарихда миллий урф – одатларимиз қандай бўлганидан далолат беради. Шу билан биргаликда бу ёдгорликлар орқали биз халқ хунармандчилиги устчилигини кўриб ўрганишимиз ва уни сақлаб келажак авлодга етказиш имкониятига эга бўламиз. Халқимизнинг миллий меъморий ёдгорликлари нафақат тарихимиз, балки келажакимиз ҳамдир. Чунки ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак маданиятда ҳам маънавиятда ҳам бир – бири билан боғлиқдир.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда музейлар ва тарихий меъморий ёдгорликлар халқнинг миллий ўзлигини англашда муҳим маънавий манба ҳисобланади. Айниқса Қосим Шайх мажмуаси каби тарихий обидалар ёш авлодни ватанпарварлик, миллий қадриятларга ҳурмат ва маънавий меросни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай мажмуалар орқали халқимизнинг бой тарихи, маданияти ва меъморчилик анъаналари келажак авлодга етказилади. Моддий ва маънавий меросимиз халқимиз маданиятининг асосидир. Шу билан бирга тарихий обидаларни асраш ва улардан самарали фойдаланиш миллий маданиятимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Юксак маънавият- енгилмас куч - Тошкент: "Маънавият", 2008.
2. Янги Ўзбекистон стратегияси- Тошкент: "Ўзбекистон", 2021.
3. Ш. Мирзиёев асарлари ва маърузалари.

- 4.Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги Қонуни.
- 5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг маданий мерос ва тарихий обидаларни муҳофоза қилишга оид қарорлар.
- 6.ЮНЕСКО материаллари ва маданий мерос бўйича халқаро ҳужжатлар.
- 7.Навоий вилояти тарихи ва меъморий ёдгорликларига оид илмий манбалар.
- 8.Қосим Шайх мажмуаси музейи ва меъморий мажмуаси материаллари.
- 9.Ўзбек миллий меъморчилиги шаҳарсозлигига оид илмий мақолалар ва қўлланмалар.
- 10.Музейшунослик ва маданий меросга бағишланган замонавий тадқиқотлар.